

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Журналистика факультети

Ушбуят, тахрир ва Интернет журналистика кафедраси

Сарлавха ушбуятни фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Энциклопедик нашрлар
сарлавхалари ва уларнинг вазифалари

Бажарди: Хусанова Дилсўз

Текширди: Тошмухамедова.Л

Тошкент 2014

РЕЖА:

Кириш

1. Энциклопедия илмий-оммабоп нашр
2. Энциклопедик нашрларни тайёрлаш босқичлари
3. Соҳа энциклопедияларида сарлавҳа ва матн мутаносиблигининг қиёсий таҳлили

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ҳар бир миллат маданиятининг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири энциклопедик адабиётлар чиқарилиши ҳисобланади. Зеро, бундай адабиётлар миллатнинг фахри саналади. Шу маънода бизнинг мамлакатимизда энциклопедиялар яратишга катта аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, қадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятларининг аҳамиятини атрофлича илмий акс эттириш нашр маҳсулотларининг эзгу мақсадига айланди. Бу даврга келиб, энциклопедик нашрларнинг мазмун, моҳияти тубдан ўзгарди.

1996 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қомусини нашр этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Шу қарор асосида 12 жилдли универсал энциклопедия яратишга киришилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, бу ишни амалга ошириш учун барча ташкилий шарт-шароитлар юзага келди.

Шўролар тузуми даврида барча нашрлар, хусусан, энциклопедик нашр ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилган бўлса, буюк тарихимиз, улуг аجدодларимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, динимиз бир ёқлама кемтик ифода этилган бўлса, эндиликда ҳақиқат юзага чиқди. Масалан, 12 жилдли Ўзбекистон миллий универсал энциклопедиясининг илмий-назарий ва ғоявий-сиёсий йўналиши белгилаб берилди. Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг мазмун ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан ва мамлакатда орттирилган ижобий тажрибалардан самарали фойдаланилди. Мазкур универсал энциклопедияда

буюк аждодларимиз Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал- Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Синонинг биографик мақолаларига янгича нуқтаи назардан, чуқур, илмий асосда ёндашилди. Тарихий воқеаларга муносабат тубдан ўзгарди.

Универсал энциклопедиялардан ташқари соҳавий энциклопедиялар ҳам чоп этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 4 жилдли “Ҳадис”, “Тошкент” энциклопедияси, 1 жилдли Болалар энциклопедияси, Хотин-қизлар энциклопедияси ва “Ислом” энциклопедияси дунё юзини кўрди.

Энциклопедия илмий-оммабоп нашр

Энциклопедия юнонча – билимлар доираси, қомус – муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашр. Энциклопедия терминининг маъноси тарихан ўзгариб турган. Антик даврда у «эркин санъат» деб аталган 7 илм (грамматика, риторика, диалектика ёки логика, геометрия, арифметика, мусиқа ва астрономия)ни англатган. XVI асрда ғарбий Европада энциклопедия янги маънода — турли билимлар мажмуи маъносида ишлатилган. Айти вақтда билимлар таснифи маъносини ҳам билдирган. Бу маънода энциклопедия термини XVIII асра қўлланган. Ҳозирги пайтда «Энциклопедия» термини фаннинг барча соҳалари бўйича (универсал энциклопедия) ёки бирор тармоғи (соҳа энциклопедияси) ёхуд амалий фаолият бўйича энг муҳим маълумотларни ўз ичига олувчи нашрни англатади.

Энциклопедия материаллари, асосан, алифбо тартибида ёки мавзуси бўйича берилади. **Универсал энциклопедия** одатда, муайян давлат миқёсида тузилиб, шу давлатда эришилган фан-техника, маданият ютуқлари даражасини кўрсатади. Унда ўша давлатнинг мафкураси озми-кўпми акс этади. Шу маънода ҳам универсал энциклопедия миллий энциклопедия ҳисобланиб, унга «давлатнинг шаҳодатномаси», «маънавий кўзгуси» деган сифатлар ҳам берилади. Универсал энциклопедияларда турли фан соҳаларидаги муҳим тушунчалар билан бир қаторда тарихий воқеа ва жараёнлар инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари акс этади.

Соҳа энциклопедияси муайян фан соҳасидаги тушунча ва маълумотларни универсал энциклопедияга қараганда батафсилроқ ёритади. Ҳажмига кўра, энциклопедиялар кўп жилдли 1-2 жилдли бўлиши мумкин.

Энциклопедия мақолаларида сўзларнинг этимологияси, транскрипцияси, муайян тартиб билан берилади. Ёритилаётган тушунча ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун муҳим адабиётлар рўйхати

(библиография) кўрсатилади. Энциклопедия ҳажмининг муайян қисмини безак материаллар (оқ-қора, рангли сураатлар, харита, чизма-схемалар) ташкил этади.

Энциклопедия мақолаларида ортиқча тафсилотларга, қайтариқларга йўл қўйилмайди, (бунинг учун тегишли мақолага ҳавола қилишдан фойдаланилади). Энциклопедия тайёрлашда факт ва маълумотларнинг аниқлигига, атама ва терминлар ўз ўрнида, тўғри ишлатилишига аҳамият берилади. Унинг баёнида илмийлик, оммабоплик, қисқалик, лўндаликка эътибор берилади.

Энциклопедик тарздаги асарлар қадимги *Шумер* давлатида, Хитой, Юнонистон, Римда, кейинчалик араб ёзувидаги мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган. Демокрит ва Аристотель асарлари энциклопедик асарлар ҳисобланган. Ўрта Осиё мутафаккирлари — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ҳам ўз давридаги билимларни атрофлича қамраб олган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий»си, Форобийнинг «Фанлар таснифи», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», «Донишнома»си, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарлари қомусчилиги тарихига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилган.

60-йилларнинг охиридан собиқ иттифоқдош республикаларда универсал энциклопедиялар нашр этишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистонда 1971-80 йилларда 14 жилдли «Ўзбек совет энциклопедияси» (ЎзСЭ) нашр этилди. 1-бош муҳаррири акад. И.М.Мўминов: 10-ж. дан акад. К.А.Зуфаров. Унда дами 40000 дар ортиқ мақола берилган. ЎзСЭ

мақолаларининг илмий-назарий ва ғоявий-сиёсий йўналиши маркча-ленинча мафкура билан белгиланган.

Мустақил мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасида универсал миллий энциклопедия тайёрлашга киришилди. 1997-йил 20-мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, нашриёт зиммасига 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни тайёрлаш ва нашр этишни топширди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда, шунингдек, «Тошкент» энциклопедияси, 1 жилдли Болалар энциклопедияси, Хотин-қизлар энциклопедияси, «Ислом» энциклопедияси ва баъзи фан тармоқларидан соҳа энциклопедиялари нашр этилди¹.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 8-жилд. 2004. – 228-б.

Энциклопедик нашрларни тайёрлаш босқичлари

Энциклопедик нашрларни тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, бошқа тур адабиётлардан кескин фарқланади. Бу жараёнда тайёрлов босқичлари муваффақиятли амалга оширилса, нашр белгиланган мақсадига тўлақонли эришади.

Дастлаб энциклопедияни тайёрлаш учун нашр этилаётган материалнинг тўғри сиёсий йўналиши танланиб, унга юқори илмий сифатга эга бўлган бош таҳририят тузилади ва унинг қошида асосий илмий фанлар бўйича соҳавий таҳририятлар (ёки бўлимлар) ташкил этилади.

Энциклопедик нашрларни тайёрлаш, мақолаларни муаллифларга буюртма қилиш катта илмий-услубий тайёргарлик ишини талаб этади. Энциклопедия илмий-оммабоп нашрдир. Бир вақтнинг ўзида уни яратиш жараёни муаллиф ва муҳаррирлар учун услубий кўрсатмалар ва илмий меъёрлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Уларда энциклопедик мақолаларга қўйиладиган энг муҳим талаблар ва уларни бажаришга қаратилган ягона ёндашувдаги йўналишлар белгиланади.

Сўзликлар тузиш

Сўзликлар тузиш – энциклопедик нашр тайёрлашнинг энг муҳим босқичи. **Сўзлик** деганда энциклопедиянинг қисқа аннотациялар билан берилган мақолалар ўлчами кўрсатилган (атамалар, сўзлар) рўйхати тушунилади.

Умумий алифбо сўзликларини тузиш босқичлари. Умумий алифбо сўзлигини тузишда барча илмий соҳавий таҳририят муҳаррирлари ва сўзликлар таҳририяти иштирок этади. Сўзликни тузиш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

а) **Замонавий универсал энциклопедиялар сўзлигини таҳлил қилиш.** Янги нашр учун солиштирма таҳлил мақолалар ҳажмини ва

миқдорини аниқлашга хизмат қилади. Энциклопедия тузилмаси унинг ҳажми билан бевосита боғлиқ;

б) Алоҳида илмий фанлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш. Асосий илмий фанлар мутаносиблиги аниқлангач, бош таҳририят ҳар бир илмий фан учун тахминий кўрсаткичлар белгилайди. Улар соҳавий таҳририят муҳаррирлари томонидан кўрилади, сўнгра, бош таҳририят зарур ўзгартиришлар киритади ва энциклопедияга тақдим этилган барча билим соҳалари солиштира ҳажми (мақолалар ҳажми ва миқдори бўйича) қарор қабул қилади;

в) Соҳавий таҳририятларда тематик сўзликлар тузиш. сўзлик тузувчилар мақолалар ҳажмларини тўғри аниқлаши ва уларни турли фан мавзулари бўйича тақсимлаши лозим;

г) Соҳавий таҳририятларда алифбо сўзликларини тузиш. Бутун нашр умумий алифбо сўзлигини тузиш. Соҳавий таҳририят муҳаррирлари «умумийдан хусусийга» тамойилига асосланиб, тематик сўзликларни ишлаб чиқсалар, алифбо сўзликларини тузиш «хусусийдан умумийга» тамойилига таянади.

Ҳар бир таҳририят мавзулар бўйича алифбо картотекасини тузади, сўнгра, ушбу картотекалар атамалари умумий картотекага – мазкур таҳририят олиб юритаётган энциклопедия бўлимининг алифбо бўлимига тўпланади.

Ушбу иш жараёнида пайдо бўладиган зарурий аниқликлар киритилгач, таҳририй алифбо сўзликлари бутун энциклопедиянинг ягона алифбо сўзлигига тўпланади. Сўзлик таҳрири ушбу босқичида келгуси томлар кўламини (кўптомли нашрда) мўлжаллаш ва ҳар бир том учун йирик мақолаларни ажратиб олиш муҳим саналади.

Кўптомли универсал энциклопедияни тайёрлашда, одатда, сўзлик махсус бўлими (таҳририят) ташкил этилади. У бош таҳририятнинг мазкур

нашрдаги соҳавий таҳририятлар материаллари нисбий ҳажмига тегишли кўрсатмаларини бажаради, улар билан биргаликда тематик сўзликларни тайёрлайди ва таҳрир қилади. Унинг асосий вазифаларидан бири – ягона алифбо сўзлигини таҳрир қилишдир. Сўнгра, бутун энциклопедия чоп этилиши жараёнида сўзлик бўлими алоҳида мақола ва бўлимлар ҳажмларини назорат қилиш бўйича самарали ишларни амалга оширади.

Сўзлик бўлими ишининг муҳим қисми – мурожаатларни текширишдан иборат. Улар, барча таҳририят мақолалари навбатдаги томнинг ягона алифбосида яхлитланганидан сўнг текширилади. Бунда мурожаатларни расмийлаштиришга (мурожаатда кўрсатилган мақолаларнинг мавжудлигига, мурожаатларда келтирилган номларнинг сўзликлар билан бир хиллигига) эътибор қаратилади.

Энциклопедик мақолаларга қўйиладиган талаблар

Энциклопедияларни тузувчилар воқеа, тушунча, предметларни янада мажмуавий ва тизимли ёритишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Шу орқали материалларга буюртма беришни ва уларни таҳрир қилишни тор мавзулар бўйича эмас, балки кенгроқ муаммони яхлит қамраб олиши жиҳатидан амалга ошириш керак деб ҳисоблайдилар. Бунда алоҳида олинган ҳар бир мақола тўртта асосий талабга: илмийликка, долзарбликка, ихчамликка ва тушунарлиликка жавоб бериши талаб қилинади.

Энциклопедик мақолани таҳрир қилиш

Мақола муаллифдан олингандан сўнг, унинг устида ишлашда соҳавий илмий таҳририятда тахминан қуйидаги босқичлар режалаштирилади:

- кўлёзamani баҳолаш ва бирламчи таҳрир қилиш;
- тақриз ёзиш ва мақолаларни жамоавий муҳокама этиш (зарурат туғилганда);
- илмий-ёрдамчи аппаратни текшириш ва расмийлаштириш;

- мажмуавий мақолаларни таҳрир қилиш;
- мақолаларни навбатдаги томни мажмуалашга топшириш.

Атамалар таърифлари (дефинициялари)

Энциклопедия атамалар, тушунчалар ва таърифларининг мажбурий унсурларига эга. Одатда, ўқувчи атамалар таърифлари билан танишиш мақсадида энциклопедияга мурожаат қилади. Ҳар бир мақола, одатда, мақола номи сифатида олинган тушунча, ҳодиса ва номларни англатувчи атама дефиницияси (лот. Дефинитион - таъриф)дан бошланади.

Мақолалар таърифларида тушунчалар мазмунини очишдаги илмийлик ўқувчилар турли доираси учун дефиницияси тушунарлилиги билан ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Этимологик маълумотлар, яъни сўзнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар, мақолалар номларини ташкил этувчи ва хорижий тиллардан аниқ олинган сўзларга (атамаларга) берилади. Этимологик маълумотларни беришдан мақсад – атама мазмунини очишга кўмаклашишдир.

Мурожаатлар тизими

Энциклопедиянинг муҳим хусусиятларидан бири – мақолаларнинг, айниқса, тематик шаклларга тегишлиларининг ўзаро боғлиқлигида кўринади. Катта ва турли-туман материални ягона яхлитликка келтириш учун мурожаатлар тизими қўлланилади. Мурожаатлар тизими ўқувчига уни қизиқтирган мақолаларни излаб топишга ва қисқа вақт ичида ўрганилаётган материал билан танишишга имкон беради. Бундан ташқари, у битта материални турли мақолаларда қайта такрорлашдан қутулиш имконини ҳам беради; шундай қилиб, маълумот нашри учун қимматбаҳо бўлган ҳажм қисқаради ва белгилар тежалади. Мурожаатлар асосан, тушунча моҳиятини очувчи асосий атамалар ҳақидаги мақолаларга ҳамда катта ахборий

материалга эга мақолаларга берилади. Улар махсус мурожаат мақолалари ва матн ички мурожаатларига ажратилади.

Мурожаат мақолалари, ўз навбатида, икки хил бўлади: тушунтиришларсиз ва ёйилган. Тушунтиришларсиз мурожаат мақоласи, мурожаат берилган атамадан ва ўқувчига йўналтириладиган атамадан иборат бўлади.

Адабиётлар рўйхати ва цитаталар

Одатда, адабиётлар рўйхати мақола охирида келтирилади (мақоладаги адабиётлар рўйхати). Матн ичидаги адабиётлар рўйхати биографик мақолаларда ёзувчилар, фан ва санъат арбоблари ижодлари тавсифида, шунингдек, даврий нашрлар ҳақидаги мақолаларда учрайди; бундан ташқари, у алоҳида назариялар, муаммолар ва бошқ. ҳақидаги мақолаларни тўлдиради.

Универсал энциклопедияда адабиётлар рўйхати ёритилаётган масалалар бўйича кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга имкон берувчи адабиётларни ўз ичига олиши лозим. Уларга давлат ҳужжатлари; манбалар (архив ҳужжатлари, қонунчилик ва дипломатик ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа ҳужжатлар); ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат арбоблари асарлари; мажмуавий ва монографик характердаги илмий тадқиқотлар; мақолалар тўпламлари, фаннинг муайян масалалари бўйича алоҳида ишлар; олий (баъзида, ўрта махсус) таълим муассасалари учун асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари; илмий-оммабоп адабиётлар; маълумот ва энциклопедик нашрлар; баъзи ҳолларда – журналдаги мақолалар ва диссертация авторефератлари; адабиётлар рўйхатлари кўрсаткичлари ва рўйхатлари киритилади.

Расмларни келтириш

Маълумот нашрларида расмлар келтириш – уларни билиш маълумотлари билан бойитиш муҳим воситаларидан бири. Тўғри танланган расм мақола матнини анча қисқартириш имконини беради. Расмлар

келтиришга зарурий талаб – расмнинг матн мазмунига мантиқий боғлашда кўринади.

Энциклопедия сўзликларини тасдиқлаш пайтида мақолалар расмларининг бирламчи режаларига эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Бунга мавзувий сўзликлар, намунавий мақолалар ишланмаси ва расмлар тахминий режаси муҳаррирлар билан ҳамкорликда олиб борилгандагина эришиш мумкин.

Харитографик материал

Мақолалар матнига мувофиқ маълумот наشري вазифаларига жавоб берувчи хариталар ва чизмалар энциклопедия материаллини тўлдиради. Улар хариталар-атласлар тури бўйича яратилади: имкон қадар тўқ харитографик, яхши бажарилган шартли белгилари ва ёзувлар шрифтлари (номлари), бадиий танланган фонлар бўёқлари (рангли хариталар) бўлган, бироқ алоҳида унсурларни қабул қилиши қийинлашмайдиган асосда тузилади.

Мазмунига, безатилишига кўра, хариталарнинг ва чизмаларнинг бир неча турлари фарқланади. Барча бир турдаги хариталар ягона режа (дастур) бўйича ва маълум намунавий шартли белгиларда яратилади. Хаританинг вазифасидан келиб чиқиб, хариталарни матн ичига жойлаштирилдиган ёки қўшимча ёпиштирилган варақларда (рангли) жойлаштирилган турларга ажратамиз.

Универсал энциклопедияларда умумий географик хариталар (давлатлар, республикалар, муҳим физик-географик объектлар хариталари, шаҳарлар режалари ва чизмалари) ва махсус хариталар (табiiй ҳодисалар хариталари, ижтимоий-иқтисодий хариталар, маданият хариталари) жойлашади.

Энциклопедик адабиётда қисқартмалар ва шартли белгилар тизими кенг қўлланилади. У матнлар, расмлар ва хариталардан иборат материалларни зарурий бир хиллаштиришга, бундан ташқари, материал мазмуний қисми учун жойни анча тежашга имкон беради. Тилда умумқабул

қилинган сўзлар ва ифодалар қисқартмалари, ўлчов бирликларининг шартли белгилари, ташкилотларнинг ва муассасаларнинг тарқалган қисқартмалари, махсус хариталар ва чизмалар учун қабул қилинган шартли белгилари бундай тизимнинг унсурларидир. Қисқартмалар тизимининг асосий қисми – мазкур нашр учун қабул қилинган кўп учрайдиган сўзларнинг шартли қисқартмалари ҳисобланади.

Соҳа энциклопедияларида сарлавҳа ва матн мутаносиблигининг қиёсий таҳлили

Сарлавҳалар қайси адабиёт турида қўлланилмасин, ҳар бирида ўзига хос вазифаларни бажариб келади. Жумладан, энциклопедияларда ҳам сарлавҳалар аташ; фарқлаш; хабар бериш; реклама қилиш; ишонтириш; кўрсатма бериш; ташвиқ қилиш; мурожаат қилиш ва ихчам изоҳ каби вазифаларида ифодаланади. Ҳар бир сарлавҳанинг вазифалари бериладиган материалларда ўз аксини топади. Яъни:

Аташ вазифасидаги сарлавҳалар қандай услубга хос бўлмасин, энг аввало, аташ вазифасини бажаради. Чунки у ўзи белгилаб, кўрсатиб келаётган мақола ёки асарнинг атамаси ва номи бўлиб хизмат қилади.

Фарқлаш вазифаси ҳар қандай ном ниманидир белгилаш, аташ ва шу орқали уни бошқа нарсалардан фарқлаш, ажратиш заруратидан келиб чиқади. Худди шундай нашрлар сарлавҳалари ҳам матнларни номлаш орқали бири-биридан фарқлаш имконини беради. Сарлавҳаларнинг фарқлаш, чегаралаш вазифаси фойдаланувчини жалб этиш вазифаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб уларнинг ахборот бериш хусусиятидан келиб чиқади

Хабар бериш вазифаси Сарлавҳа мақола ёки материалнинг мазмуни билан боғлиқ бўлганлиги учун унда ахборийлик (информативлик), яъни хабар бериш вазифаси ҳам намоён бўлади.

Реклама қилиш вазифаси Ҳар қандай мақоланинг сарлавҳаси матн мазмунини ифодалаш билан биргаликда, ўша мақолани ўқишга фойдаланувчини чорлаши ҳам керак. Реклама қилиш вазифаси энциклопедик нашрларда кўпинча бериладиган матндаги ноанъанавийлик услубида кўринади.

Ишонтириш вазифаси фойдаланувчига бирор фикрни ўтказиш, унга ишонтириш ва муаллифнинг асосий фикри орқасидан эргаштириш

сарлавҳадан бошланади. Шунинг учун ҳам кўпинча сарлавҳалар илгаридан аниқланган, исботланган, мунозара талаб қилмайдиган ҳукм тарзида ҳам намоён бўлиб, матн мазмунининг асосий ўзагини ташкил этиши талаб этилади. Бундай сарлавҳалар маълум бир фикрни тасдиқлайди ва мустаҳкамлайди. Ишонтириш вазифаси сарлавҳаларнинг йўл-йўриқ кўрсатиш, кўрсатма бериш хусусияти билан боғланиб кетади.

Кўрсатма бериш вазифаси жамият ҳаётидаги муҳим соҳалар билан боғлиқ зарурий масалалар кўтариб чиқилган мақолалар сарлавҳаси фойдаланувчига маълум йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериш, ундаш ва сафарбар этиш каби вазифаларни бажаради.

Ташвиқ қилиш вазифаси нашр сарлавҳаларининг ўзига хос вазифаларидан бири ташвиқ қилишдир. Чунки сарлавҳа англатган хабар, одатда, маълум мақсадга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бу кўпинча, сафарбар этиш, даъват этиш, ташвиқот олиб бориш, ишонтириш каби вазифалар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Мурожаат қилиш вазифаси Энциклопедиялардаги мақолаларда мурожаат қилиш вазифаси кўпинча мурожаатлар тизими орқали амалга оширилади. Мурожаатлар тизими ўқувчига уни қизиқтирган мақолаларни излаб топишга ва қисқа вақт ичида ўрганилаётган материал билан танишишга имкон беради.

Изоҳлаш вазифаси мақолаларда батафсил баён этилган кенг қамровли фикр ва мулоҳазаларни ифодалашга хизмат қилади. Чунки катта ҳажмли мавзуга қисқа изоҳлар тарзидаги сарлавҳаларнинг қўлланилиши фойланувчига бериладиган мавзу ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Соҳа энциклопедияларида сарлавҳалар асосан, нашрнинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Яъни, нашр қайси йўналиш доирасидаги мавзуларни қамраб олган бўлса, шу доирадаги материаллар сараланиб

энциклопедияга жойланади. Бундан ташқари, соҳа энциклопедияларида мақолаларнинг тили ва услуби ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Яъни, “Болалар” ва “Ислом” энциклопедияларида ёндашувнинг турлича эканлиги фикримизни тасдиқлайди. Бирида содда тилдаги баён услуби етакчилик қилса, иккинчисида батафсиллик тамойили устунлик қилади. Ҳар иккала энциклопедия ҳам соҳа энциклопедияси бўлишига қарамай, фойдаланувчилари орасида фарқ бўлганлиги уларда жамланган мақолаларнинг мазмунида яққол кўринади.

Айнан “Болалар” ва “Ислом” энциклопедияларидан жой олган бир хил сарлавҳа остидаги мақолалар таҳлили бунга асос бўлади:

“Болалар” энциклопедияси

Ислом мақоласида:

Жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири ислом динидир. “Ислом” сўзи арабча бўлиб, “бўйсунмиш”, “Итоат этиш” маъноларини билдиради. Ислом динига эътиқод қилувчи киши мусулмон (арабча “муслим”), деб аталади.

Ислом дини 7-аср бошида Арабистон ярим оролида пайдо бўлди.

Муҳаммад алайҳиссалом (571–632-йиллар) арабларни кўплаб қабила худоларига сизинишдан воз кечиш ва ягона худо – Аллоҳга эътиқод қилиш, бу дунёда эзгу ишлар амалга ошириб яшашга даъват этди. Ислом дини қарор топгач, жуда кўп мамлакатларга тарқалди. 8-асрда бизнинг диёримиз – Мовароуннаҳрга ҳам ёйилди.

*Ҳозирги кунда жаҳонда 1 миллиард 300 миллион киши ислом динига эътиқод қилади. **120 мамлакатда** мусулмон жамоалари мавжуд. Шундан **35 тасида** мусулмонлар аҳолининг 80 фоиздан ортигини ташкил этади. 30 га яқин мамлакатда ислом давлат дини ҳисобланади.²*

“Болалар” энциклопедиясидаги “Ислом” мақоласида берилган маълумотларнинг айнан содда ва тушунарли тилда баён этилганлиги

² Болалар энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.

нашрнинг болаларга мўлжалланганидан далолат беради. Мақолада айнан ёритилаётган мавзунинг асосий жиҳатларининг олиниши нашр йўналишининг талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

“Ислом” энциклопедиясида:

ИСЛОМ (араб. – бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топишириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч дин (буддизм ва христианлик б-н бир қаторда) дан бири. И. динига эътиқод қилувчилар арабча “муслим” (“исломни қабул қилган”, “итоатли”, “садоқатли”: кўплиги “муслимун”) деб аталади. “Муслим”, “муслимун” сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (мас.. форсларда – мусалмон, ўзбекларда – мусулмон, қирғиз ва қozoқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном б-н аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

Жаҳонда қарийб 1,2 млрд. киши И.га эътиқод қилади. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20% идан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30% мусулмонлар Африкага тўғри келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади...³

Соҳа энциклопедиялари қайси бир соҳани камраб олишидан қатъий назар, бошқа тур энциклопедияларга қараганда материалларни батафсил ва тўлиқ бериши билан ажралиб туради. Ҳар иккала энциклопедия маълумотлари бир-бирини тўлдириш учун хизмат қилади. “Болалар” энциклопедиясидаги мақолада қўлланилган сўзлар ва маълумотлар айнан болаларга аниқ ва тушунарли тарзда берилганлиги мавзу хусусида тўлиқроқ ахборотга эга бўлиш имконини беради. “Ислом” энциклопедиясида эса

³ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. – 113- б.

нашрнинг ислом йўналиши доирасида эканлиги бериладиган мақолаларнинг ҳажмида ҳамда маълумотларнинг кенг қамровлигида ўз аксини топади.

“Болалар” энциклопедияси

Каъба мақоласида:

Каъба (арабча “куб”) – ислом динида энг муқаддас ибодатхона. Каъба Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида жойлашган. 10x12x15 метр ўлчамда кулранг тошдан қурилган. Исломда Байтуллоҳ (Аллоҳнинг ўйи), Байтул харом (Муқаддас уй), Қуръонда эса ал-Масжид ал-Харом (Муқаддас масжид) деб номланган. Араблар уни, шаклига қараб, Каъба деб аташган.

Ибодатхона атрофи ҳашаматли девор билан ўралган. Шу туфайли ибодатхонанинг кенг ҳовлиси ҳам Каъба деб аталади. Каъбанинг жануби-шарқий бурчагидаги токчага “Қора тош” (“Ҳажар ал-асвад”) жойланган. У ерда Қуръони каримнинг қадимий қўдёзмаси сақланади. Ҳовли саҳнида Замзам булоғи, мақоми Иброҳим деб аталган тош ва бошқалар бор...⁴

“Ислом” энциклопедиясида:

***КАЪБА** (араб.– куб, тўрт бурчак) - ислом динининг энг муқаддас ибодатхонаси. Байтуллоҳ (Аллоҳнинг ўйи) деб ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш – ҳаж ва умранинг асосий амалларидан бири.*

К. Маккадаги энг катта Масжиди Харамнинг марказида жойлашган бўлиб, 10x12x15 (бал 15 м ва пойдевори 12x10 м) ўлчамдаги бино. Одатда К.нинг ўсти қора мато (қисва) б-н қопланган бўлади, унга Қуръоннинг Макка ва ҳажга оид оятлари зарҳал билан ёзиб қўйилган. К. Деворининг ташқи ғарбий бурчагида “Қора тош” (“Ҳажар ал-асвад”) жойланган...⁵

⁴ Болалар энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.

⁵ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. – 136- б

“Болалар” энциклопедиясидаги “Каъба” мақоласида келтирилган айрим манбалар “Ислом” энциклопедиясида учрамайди. Баъзи маълумотлар эса кенгайтирилган ҳолда мақолага жойланган. Айнан бир хил маълумотларда Каъбанинг жойлашган ўрни икки хил томонда эканлиги эътиборни тортади. Яъни:

...Каъбанинг жануби-шарқий бурчагидаги тоқчага “Қора тош” (“Ҳажсар ал-асвад”) жойланган...

...К. Деворининг ташқи ғарбий бурчагида “Қора тош” (“Ҳажсар ал-асвад”) жойланган...

Иккала энциклопедия ҳам Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган бўлса-да, келтирилган томонлар фарқли. Табиийки, фойдаланувчи қай бир томонни тўғри деб қабул қилишга иккиланади. Шунинг учун соҳа энциклопедияларида бирор мавзуга тааллуқли мақолани нашрга беришда, сарлавҳалар бир хил танлансада, унда тил ва услубнинг турлича эканлиги энциклопедиянинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини доимо ҳисобга олишимиз зарур.

ХУЛОСА

Яратилган нашрларнинг ҳар томонлама муваффақиятли чиқиши уларга қўйилган сарлавҳалардан аён бўлади. Номларнинг ўзиёқ нашрнинг келгусидаги тақдирини белгилаб беради. Тўғри танланган сарлавҳа остидаги нашрлар доимо ўқувчининг эътибор марказида бўлади, аксинча анъанавий сарлавҳали нашрлар эса фақатгина бир саҳифалашга арзийди холос.

Энциклопедик нашрларнинг номлари ҳам бевосита уларнинг сарлавҳаси сифатида хизмат қилади. Ҳар бир фойдаланувчи нашрларнинг номидан келиб чиққан ҳолда, керакли ахборотларни ва материалларни излайди. Энциклопедик нашрларда сарлавҳалар асосан, берилган маълумотларни аташда, ажратишда, фарқлашда ва изоҳлашда яқиндан ёрдам беради. Кўпинча энциклопедияларнинг сарлавҳалари уларнинг йўналишига кўра белгиланади. Яъни, универсал энциклопедияларда умум шаклдаги сарлавҳалардан кенгроқ фойдаланилса, соҳа энциклопедияларида эса айти бир соҳага тегишли бўлган мавзуларнинг сарлавҳаси олинади. Бу тарзда сарлавҳаларнинг белгиланиши нашр фойдаланувчиларига қулайлик туғдиради. Чунки нашр этилган кўплаб универсал ва соҳа энциклопедияларининг фойдаланувчилари фақатгина айти шу соҳа мутахассисларигина эмас, балки кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Энциклопедик нашрларда берилаётган мақолаларнинг тил ва услубида ҳам фарқли жиҳатларнинг борлиги кўзга ташланади. Жумладан, “Болалар” энциклопедиясида баён услубининг содда, тушунарли тилда эканлиги ва мақолаларнинг композициясида ўзига хос ёндашувнинг борлиги, “Ислом” энциклопедиясидаги мақолаларда эса батафсиллик, кенг қамровлилик ва баён услубида мантиқий боғланишнинг таъминланганлиги нашрнинг ихтисослигидан маълум бўлади. Шунинг учун дунё юзини кўриш арафасида турган нашрларга ном танлашда белгиланган мезонларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 8-жилд. 2004. – 228-б.
2. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004.
3. Болалар энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.
4. Адабиёт айрим турлари таҳрири услубий қўлланма. Т. 2011.